

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ҚОРАЕВ АЛИЁР ХАСАНОВИЧ**

**ҲИСОР ТОҒ ТИЗМАЛАРИ ЛАЛМИ ТУПРОҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
СИФАТИНИ БАҲОЛАШ**

**03.00.13 – Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
биологической наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on biological sciences**

**Қораев Алиёр Хасанович**

Ҳисор тоғ тизмалари лалми тупроқлари ва уларнинг сифатини  
баҳолаш..... 3

**Кораев Алиёр Хасанович**

Богарные почвы Гиссарского хребта и оценка их качества..... 21

**Koraev Aliyor Khasanovich**

Rainfed soils of the Hissar mountain range and their qualitative assessmeont... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ҚОРАЕВ АЛИЁР ХАСАНОВИЧ**

**ҲИСОР ТОҒ ТИЗМАЛАРИ ЛАЛМИ ТУПРОҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
СИФАТИНИ БАҲОЛАШ**

**03.00.13 – Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/B47 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида (ТАИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.soil.uz](http://www.soil.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қўзиёв Рамазан**

Биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Джалилова Гулнора Тулкуновна,**

Биология фанлари доктори, доцент

**Хакбердиев Обид Эшнӣёзович,**

Биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Қх/В.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00; e-mail: [info@soil.uz](mailto:info@soil.uz))

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3 уй. Тел.:(+99871)246-15-38.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ №\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**Н.М.Ибрагимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

**Н.Ю.Абдурахмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**М.М.Тошқўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё бўйича «деҳқончиликда фойдаланиладиган ерлар 1,6 млрд. гектар майдонни ташкил этиб, шундан лалмикор ерлар 1,3 млрд. гектар (81 фоиз) майдонни эгаллайди. Жаҳонда турли-туман шароитда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60 фоизи лалмикор деҳқончилик ҳиссасига тўғри келади. Суғормасдан деҳқончилик қилишнинг энг самарали усуллари Европанинг мўътадил минтақасида, ундан кейинги ўринда Шимолий Американинг субтропик ва намчил тропик минтақасида олиб борилади»<sup>1</sup>. Ҳозирги вақтда асосан лалмикор деҳқончилик олиб бориладиган ерларда деградация жараёнлари содир бўлмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда лалми тупроқ қопламани деградацияси-гумуссизланиши, озиқа моддалар камайиши, тупроқ эрозиясига учраши каби салбий жараёнларни олдини олишга қаратилган илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда лалмикор деҳқончилик қилинадиган тупроқлар унумдорлигини тиклаш, муҳофазалаш ва оширишга, уларда содир бўладиган салбий жараёнларни аниқлаш ҳамда олдини олиш бўйича бир қатор, қуйидаги устувор йўналишларда: жумладан, лалмикор деҳқончиликда тупроқ қопламларида юзага келадиган ўзгаришларни аниқлаш, лалми тупроқ унумдорлигини чекловчи омилларни аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирини бартараф этиш, лалми тупроқлар унумдорлигини баҳолаш ва хариталаш, лалми тупроқларнинг эрозияланиши ва уларнинг қишлоқ хўжалик экинларини ўсишига ва ривожланишига таъсирини камайтириш технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда республикамиз тоғ ва тоғ олди ҳудудлари тупроқларни лалмикор деҳқончиликка кенг жалб қилиш, уларнинг агрокимёвий, агрофизикавий хоссаларини яхшилаш, тупроқларнинг унумдорлик даражасини баҳолаш ва уларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлаштириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада лалмикор ҳудудлар тупроқларида комплекс тадқиқотлар олиб бориш, тупроқларни хосса ва хусусиятларини ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг

<sup>1</sup> <http://www.fao.org>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

сифати жиҳатдан унумдорлик даражасини белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш улардан оқилона фойдаланиш борасидаги назоратни кучайтириш геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш давлат кадастрлари юритишини тартибга солиш чора тадбирлари» тўғрисидаги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» мавзусидаги устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Лалми тупроқлар морфогенетик хосса ва хусусиятлари ҳамда унумдорлигини ошириш ва баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар хорижий ва республика олимларидан Д.С. Булгаков, И.А. Дубровина, В. Медведев, А.А. Шпедт, Б.С. Укенов, Т.С. Mueller, I.A.Nalder, S.Westarp, Z.Bai, J.K.Sayers, А.З.Генусов, Б.В.Горбунов, Б.В.Кимберг, А.М.Расулов, Х.М.Махсудов, Л.Турсунов, И.Т.Турапов, Ў.Тожиев, Р.Қ.Қўзиёв, Н.Ю.Абдурахмонов, О.Э.Хакбердиев, Л.А.Гафурова, М.Ф.Фахрутдинова, Г.М.Набиева, Г.Т.Джалилова, Н.И.Шадиева ва бошқа кўплаб олимлар томонидан олиб борилган бўлиб, тадқиқотларда тупроқлар генезиси, географияси, экологияси, эрозияси, биологик фаоллиги, айрим агрокимёвий ва агрофизикавий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Лекин, тоғ тупроқларини вертикал зоналик типлари бўйича морфогенетик хосса ва хусусиятлари, кўриқ тупроқларни лалмикор деҳқончиликда фойдаланиш натижасида ўзгариши, уларга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда унумдорлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг БВ-Ф4-002+006 «Ўзбекистон тупроқларининг янги классификацияси (таснифи)ни яратиш» (2007-2011 йй.) мавзусидаги фундаментал ва А-7-048 – «Ўзбекистон лалми тупроқларини мукамал ўрганиш, уларнинг унумдорлигини тиклаш ва оширишнинг самарадор технологияларини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ҳисор тоғ тизмалари тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ривожланган лалми тупроқларнинг хосса ва хусусиятларини аниқлаш, сифатини баҳолаш ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва

оширишга қаратилган илмий-амалий ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ҳисор тоғ тизмаларида ривожланган кўриқ ва лалми тупроқларнинг пайдо бўлиш шароитлари, тарқалиш қонуниятларини ўрганиш;

тадқиқот ўтказилаётган ҳудудларда лалми тупроқларнинг морфогенетик хосса ва хусусиятларини аниқлаш;

вилоят тоғ-лалми ҳудудларининг 1:200000 миқёсли тупроқ картасини тузиш ва лалми тупроқлар майдонини аниқлаш;

таянч хўжаликлардаги лалми тупроқлар унумдорлигини чегараловчи омилларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг сифатини баҳолаш;

Шаҳрисабз, Деҳқонобод ва Ғузур туманлари лалми тупроқларини агроғуруҳларга бирлаштириш ва лалми тупроқ ресурсларни аниқлаш;

лалми ва кўриқ ерларнинг ҳолатини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ҳисор тоғ тизмалари ғарбий қияликларида ривожланган кўриқ ҳамда лалми жигарранг, тўқ тусли, типик, оч тусли бўз тупроқлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** лалми тупроқларнинг вужудга келиши, тарқалиш қонунияти, морфогенетик хосса ва хусусияти, сифат баҳоси, унумдорлиги, механик таркиби, гумус ва озика элементлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала-тупроқ тадқиқотлари ва камерал-аналитик ишлар ТАИТИ ва ЎзПИТИ институтларида ишлаб чиқилган ва умумқабул қилинган услубларда, Е.В.Аринушкинанинг «Тупроқнинг кимёвий таҳлиллари бўйича қўлланмаси» шунингдек, охириги нашрда чоп этилган «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома» ва «Инструкция по инвентаризации земель, бонитировки почв и стоимостной оценке сельскохозяйственных угодий в богарной зоне Республики Узбекистан» асосида амалга оширилган. Маълумотларни математик-статистик таҳлил «Microsoft Excel» дастури ёрдамида дисперсион (Б.А.Доспехов) услуби бўйича ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ҳисор тоғ тизмаларида тоғ олди ва тоғ ости текисликлардаги кўриқ ва лалми тупроқларнинг морфогенетик хосса ва хусусиятлари аниқланган;

кўриқ тупроқларни лалмикор деҳқончиликда фойдаланишда сув эрозиясини жадаллаштириши ва органик қолдиқларнинг минерализациясини тезлаштириши ҳамда тупроқ профилида гумуснинг қайта тақсимланиши аниқланган;

гумус ва озика элементларининг тупроқ қатламларидаги миқдори ва заҳирасини ювилиш даражаси ва қиялик экспозициясига кўра лалми оч тусли бўз тупроқлардан лалми жигарранг тупроқ томон ортиши аниқланган;

лалми ҳудуд тупроқларида она жинснинг минералогик таркиби, қиялик тиклиги ва экспозициясига, ёғин миқдорига ҳамда қатламларда кечаётган ички нураш жараёнларига боғлиқ равишда тупроқ устки қатламларида ил

заррачалари миқдорини камайиши, ўрта қатламларида физик лой миқдорининг ортиши исботланган;

таянч хўжаликларда тарқалган лалми ҳайдалма ерлар баҳоланган, шунингдек хўжаликларнинг лалми тупроқ сифатини баҳолаш хариталари тузилган ҳамда лалми ерларнинг ҳолати аниқланган ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

лалми тупроқлардан самарали фойдаланиш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш, унумдорлигини сақлаш, ошириш ва муҳофазаси бўйича чоратadbирлар белгилашга қаратилган Қашқадарё вилояти тоғ-лалми ҳудудларининг 1:200000 миқёсли тупроқ картаси ишлаб чиқилган;

Шаҳрисабз, Ғузор, Деҳқонобод туманларидаги лалми тупроқларнинг сифати баҳоланган, ишлаб чиқариш қобилияти ва унумдорлик даражасига қараб кадастр гуруҳига бирлаштирилган;

Таянч хўжаликлар учун 1:25000 миқёсли тупроқ сифатини баҳолаш карталари ҳамда лалми тупроқлар хосса-хусусиятларини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш, муҳофазалаш ва ерлардан самарали фойдаланишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг аниқлиги кимёвий-аналитик (*алангали-фотометрик, спектрофотометрик, фотоэлектроколориметрик*) ва бошқа тадқиқот усуллари билан уларни вариацион-статистик таҳлил қилиниши натижасида исботланган. Тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий журналлари даврий нашрларда чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти тоғ олди ва тоғ ости текисликлардаги қўриқ ва лалми тупроқларнинг пайдо бўлиш шароитлари, морфогенетик хосса ва хусусиятлари, гумус ва озиқа элементларининг тупроқ қатламларидаги миқдори ва захираси, лалми ҳудудларда тупроқ она жинси, қиялик тиклиги ва экспозициясига боғлиқ равишда ювилиш таъсирида тупроқлар устки қатламларида ил заррачалари миқдорини камайиши, бундан ташқари ўрта қатламларида физик лой миқдорининг ортишига қатламларда кечаётган ички нураш жараёнларига боғлиқлигини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти ҳудудлар учун тузилган тупроқ ва тупроқ-сифатини баҳолаш хариталарида келтирилган маълумотлар лалми тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда ерлардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш, экинлар ҳосилдорлигини башоратлашда хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Ҳисор тоғ тизмалари лалми тупроқлари ва уларнинг сифатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Лалми ва яйлов ерларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар» Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 14 февралдаги 03-05-1222-сон маълумотномаси). Натижада лалми тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик экинларни тупроқ-иқлим шароитларига қараб тўғри жойлаштиришда қўлланма сифатида хизмат қилган;

вилоят тоғ-лалми худудларининг 1:200000 миқёсли тупроқ картаси Қашқадарё вилоятининг 258,5 минг гектар лалми ер майдонларида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 14 февралдаги 03-05-1222-сон маълумотномаси). Натижада ушбу маълумотлар лалми тупроқлардан самарали фойдаланиш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш, унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

Шахрисабз тумани “Ҳисор”, Ғузор тумани “Шўртан”, Дехқонобод тумани “Дехқонобод” ва “Кўнғирот” хўжаликларининг 1:25000 миқёсли тупроқ сифатини баҳолаш карталари жами 9399,0 гектар ер майдонларида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 14 февралдаги 03-05-1222-сон маълумотномаси). Натижада лалми тупроқларнинг сифати ва қиялик экспозициясини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш, экинлар ҳосилдорлигини белгилаш, лалми тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклашда қўшимча тавсия сифатида фойдаланиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларнинг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий мақола чоп этилган. Жумладан, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг

илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Лалми тупроқларнинг ўрганиш ва сифатини баҳолашнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган мавзуга оид маҳаллий ва хориж илмий манбалар, олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, кўриқ тупроқларни лалми деҳқончиликда фойдаланишда тупроқларнинг хосса ва хусусиятларини ўзгариши ҳамда лалми тупроқлар сифатини баҳолаш юзасидан ўтказилган тадқиқотларнинг адабиётлар шарҳи келтирилган. Қайд қилинган адабиётлар маълумотларининг хулоса қисмида тоғ ва тоғ олди тупроқларнинг вертикал зоналик типи бўйича тарқалиши, уларнинг морфогенетик хосса-хусусиятлари, кўриқ тупроқларни лалмикор деҳқончиликда фойдаланганда уларда кечадиган жараёнларни етарли даражада ўрганилмаганлиги, сифат даражалари белгилаб олинмаганлиги сабабли ушбу муаммони ўрганиш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «**Ҳисор тоғ тизмаларининг табиий-иқлим шароитлари, тадқиқотлар объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида, Ҳисор тоғи тизмаларининг географик жойлашиш ўрни, геологик-литологик, геоморфологик, иқлими ва ўсимлик қопламлари ҳамда тупроқларни шаклланишида иштироки, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Қашқадарё вилояти жанубий-шарқдан Ҳисор тизмаси билан ўралган мураккаб геологик тузилишга эга бўлиб, бу тоғ тизмаси жанубий-ғарбий ёнбағри бутунлай мезазой ва учламчи давр ётқизиқларидан ташкил топган.

Тадқиқотлар Шаҳрисабз, Деҳқонобод ва Ғузор туманларида Ҳисор тоғ тизмаларида тарқалган жигарранг, тўқ тусли, типик ва оч тусли бўз тупроқлар шароитида ўтказилиб, дала-тупроқ тадқиқотлари ва камерал-аналитик ишлар Тупроқшунослик ва агрокимё ИТИ да ишлаб чиқилган ва умумқабул қилинган услубларда, шунингдек, «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома» (2005) асосида амалга оширилди.

Тупроқнинг механик таркиби Н.А.Качинскийнинг пипетка услубида, тупроқдаги тузлар миқдори ва ионлар таркиби сувли сўрим услуби, гумус миқдори И.В.Тюрин услубида, ҳаракатчан шаклдаги фосфор ва калий 1 % ли углеаммоний сўрими ёрдамида лаборатория шароитида бажарилди. Олинган маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) бўйича математик-статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Лалми тупроқларнинг тавсифи ва унумдорлиги**» деб номланган учинчи бобида Ҳисор тоғ тизмаларида тарқалган кўриқ ва лалми тупроқ қопламининг шаклланиши, тупроқларни морфогенетик, физик ва айрим агрофизик, агрокимёвий ва кимёвий хоссаларига доир лаборатория-

аналитик ва қиёсий таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Ҳисор тоғ тизмалари лалми тупроқлари мураккаб геологик–геоморфологик шароитда шаклланган бўлиб, Республикамининг бошқа лалми минтақалар тупроқларидан ўзига хос регионал хусусиятлари, мураккаб геологик – геоморфологик тузилиши билан фаркланиб, денгиз сатҳидан 300-400 метрдан то 1200 – 1600 метргача баландликда ривожланган бўлиб, тупроқ ҳосил қилувчи жинслари қисман учламчи, асосан, тўртламчи ётқизиклар ҳисобланади. Тадқиқот ўтказилган жигарранг тупроқлар пролювиал-делювиал баъзи жойларда элювиал, паст тоғлардан иборат, тўқ тусли бўз тупроқлар эса пролювиал, тоғ олди ва ўр-қирли адирликлар, типик бўз тупроқлар пролювиал, тоғ олди кучли бурмаланган рельеф кўринишли адирлари ва оч тусли бўз тупроқлар лёссимон ётқизиклардан ташкил топган тоғ ости тўлқинсимон текисликли геоморфологик районларни ташкил этади.

Кўриқ тупроқларни лалмикор деҳқончиликда фойдаланишда ювилиш жараёнларининг ортиши билан гумусли  $A+B_1+B_2$  қатлам қалинлиги қисқариши, нормал ривожланган ювилмаган айирмаларида эса ортиши, тупроқ профилининг юқори қатламларини зичлашмаган бўлиши ҳисобига сув ўтказувчанлик қобилияти ошган, ёғингарчиликни яхши сингдириб, ўрта ва пастки қатламларида кўп миқдорда намлик тўплаган. Бундан ташқари ўзлаштириш тупроқдаги органик қолдиқларнинг минерализацияси жараёни тезлашишига ва гумуснинг тупроқ профилида қайта тақсимланишига олиб келган. Тупроқ профилининг генетик қатламларидан пастга тушган сари карбонатли қатлам оҳак заррачалари, моғорлар ва ялтироқ доғлар кўринишида учраб, гумус миқдори бўйича тупроқ остки қатламига ўтувчи белги бўлиб ҳисобланади.


Лалми жигарранг тупроқлар механик таркибига кўра, асосан, оғир кумоқли, тўқ тусли бўз ва типик бўз ўрта кумоқли ҳамда оч тусли бўз тупроқлар ўрта ва енгил кумоқли бўлиб, қиялик тиклиги ва жойнинг экспозициясига боғлиқ равишда ювилиш таъсирида тупроқлар профилининг устки қатламларида ил заррачалари миқдорини камайганлиги аниқланди. Физик лой ( $<0,01$  мм) миқдори жигаррангдан оч тусли бўз тупроқларга томон камайиб, аксинча физик қум ( $>0,01$  мм) миқдори ортиб бориши кузатилди.

Тадқиқот олиб борилган тупроқлар профилининг генетик қатламларида ҳажм масса қиялик экспозицияси ва ювилиш даражасига боғлиқ ҳолда, кўриқ жигарранг тупроқларда  $1,31-1,60$  г/см<sup>3</sup>, лалми айирмаларида  $1,46-1,58$  г/см<sup>3</sup>, кўриқ тўқ тусли бўзда  $1,30-1,44$  г/см<sup>3</sup>, лалмисида  $1,35-1,46$  г/см<sup>3</sup>, кўриқ типик бўзда  $1,20-1,40$  г/см<sup>3</sup>, лалмисида  $1,25-1,42$  г/см<sup>3</sup> ва кўриқ оч тусли бўзда  $1,01-1,20$  г/см<sup>3</sup>, лалмисида  $1,11-1,24$  г/см<sup>3</sup> ораликда тебраниб туради.

Тупроқларнинг эрозияланиш даражаси ортиши билан  $CO_2$ –карбонатлар тупроқ профилининг юқори қатламларида акс этиб, уларнинг максимал миқдори тўқ тусли бўз тупроқларга тўғри келади. Тупроқ профилининг юқори қатламларида ( $2,18-6,01$  % ораликда тебранади) улар майда конкреция кўринишда учрайди ва бу конкрециялар куйи қатламларга ( $6,26-8,90$  % ораликда тебранади) томон йириклашиб боради.

Тадқиқот олиб борилган лалми тупроқларнинг юқори қатламлари гипс ва сувда осон эрувчи тузлардан тўлиқ ювилган бўлиб, тўқ тусли бўз тупроқларнинг қуйи ҳамда типик ва оч тусли бўз тупроқларнинг ўрта ва қуйи қатламларида сувда осон эрувчи тузлар мавжуд, қуруқ қолдиқ миқдори 0,108-0,996 фоизни ташкил этади, кам шўрланган, шўрланиш типичлорид-сульфатли ва сульфатлидир. Шунингдек, типик ва оч тусли бўз тупроқларнинг қуйи қатламларида гипс кристаллари яққол кўзга ташланган ҳолда, SO<sub>4</sub> – гипснинг миқдори 1,28-3,26 фоизни ташкил этади.

Кўриқ тупроқларнинг чим ва чим ости қатламларида гумус ва озиқа элементлар миқдори лалми айирмаларини ҳайдалма қатламга нисбатан юқори бўлиб, бу миқдор жигарранг тупроқларда 1,8-4,1, тўқ тусли бўз тупроқларда 1,9-3,2, типик бўз тупроқларда 1,1-2,8 ва оч тусли бўз тупроқларда 0,7-1,5 фоизни ташкил этиб, тупроқ профилида углеродни азотга бўлган нисбати (C:N) 5,5-8,8 ни ва лалми тупроқларда 5,1-7,2 атрофида тебраниб туради. Ўрганилган кўриқ тупроқларда фосфорнинг умумий миқдори чимли қатламда 0,18 - 0,21 %, лалми ҳайдалма қатламда 0,12-0,21 % атрофида тебраниб юқоридан пастки қатламларга томон секин-аста камайиб боради (1-расм).



**1-расм. Лалми тупроқлардаги гумус, фосфор ва калий миқдорлари.**

Турли даражада ювилган лалми тупроқлар ҳаракатчан фосфор миқдорига кўра кам (16,0-26,0 мг/кг), ювилмаган айирмаларида кам, ўртача таъминланган (16,0-36,2 мг/кг) бўлса, ҳаракатчан калий миқдорига кўра асосан кам ва ўртача таъминланган (198-214 мг/кг), айрим ювилмаганида бу кўрсаткич 412 мг/кг ни ташкил этиб, юқори таъминланган тупроқлар гуруҳига киради (1-жадвал).


**Кўриқ ва лалми тупроқлардаги гумус, азот, фосфор ва калий  
миқдори**

Тупроқлар генезиси, геоморфологияси,	Кесма №, қиялиги, тупроқ номи	Қатлам чуқурлиги, см	Гумус %	Азот %	C:N	Ялпи, %		Ҳаракатчан, мг/кг	
						P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
Пролювиал- делювиал баъзи жойларда элювиал ётқизиқлардан ташқил топган, паст тоғлардан иборат.	№ 12 қиялик 3-5 <sup>0</sup> , кўриқ кам ишқорсизланган жигарранг	0-4	4,10	0,271	8,8	0,214	1,85	32,11	348,0
		4-25	1,88	0,168	6,5	0,195	1,26	27,33	228,0
		25-50	0,68	0,066	6,0	0,173	1,41	20,67	207,0
		50-94	0,66	0,064	6,0	0,128	1,32	14,67	148,0
		94-131	0,59	0,059	5,8	0,125	1,24	6,00	92,0
	131-180	0,17	0,018	5,5	0,075	1,12	3,68	71,0	
	№ 11, қиялик 3-5 <sup>0</sup> , кучсиз ювилган, лалми жигарранг	0-40	1,92	0,155	7,2	0,194	1,33	26,00	214,0
		40-68	0,79	0,078	5,9	0,178	1,48	22,08	207,0
		68-100	0,65	0,064	5,9	0,138	1,37	15,83	150,0
		100-133	0,63	0,063	5,8	0,130	1,35	9,27	103,0
133-190		0,21	0,022	5,5	0,103	1,28	4,33	64,0	
Пролювиал ётқизиқлардан ташқил топган тоғ олди ва ўр- қирли адирликлардан иборат.	№ 7, қиялик 1-3 <sup>0</sup> , кўриқ тўқ тусли бўз	0-3	3,20	0,276	6,7	0,210	2,38	36,82	420,0
		3-18	1,92	0,170	6,5	0,168	2,20	22,13	293,0
		18-50	1,15	0,104	6,4	0,152	1,80	26,00	250,0
		50-100	0,52	0,050	6,0	0,118	1,92	12,70	135,0
		100-142	0,44	0,043	5,9	0,101	1,21	7,86	120,0
	142-205	0,20	0,021	5,5	0,062	1,12	3,33	102,0	
	№ 9, қиялик 1-3 <sup>0</sup> , ювилмаган, лалми тўқ тусли бўз	0-36	2,14	0,188	6,6	0,213	2,32	36,17	412,0
		36-60	1,16	0,103	6,5	0,160	2,03	28,33	325,0
		60-112	0,48	0,045	6,2	0,103	1,88	12,80	179,0
		112-152	0,35	0,036	5,6	0,096	1,29	9,07	163,0
152-215		0,21	0,022	5,5	0,073	1,11	3,67	108,0	
Пролювиал ётқизиқлардан ташқил топган тоғ олди адирлари ва кучли бурмаланган рельеф кўринишли	№ 17, қиялик 1-3 <sup>0</sup> , кўриқ типик бўз	0-3	2,80	0,235	6,9	0,202	2,31	26,80	400,0
		3-17	1,12	0,096	6,8	0,180	2,20	17,33	267,0
		17-50	1,02	0,089	6,6	0,165	2,10	14,67	193,0
		50-95	0,66	0,061	6,3	0,105	2,00	9,36	132,0
		95-143	0,33	0,033	5,8	0,073	1,20	4,33	128,0
	143-200	0,17	0,018	5,5	0,037	1,08	2,67	101,0	
	№ 16, қиялик 3-5 <sup>0</sup> , кучсиз ювилган, лалми типик бўз	0-36	1,20	0,103	6,7	0,167	1,92	16,80	269,0
		36-59	0,74	0,070	6,1	0,143	1,80	13,40	235,0
		59-90	0,68	0,065	6,1	0,114	1,62	9,20	142,0
		90-130	0,30	0,034	5,1	0,081	1,36	7,11	130,0
130-205		0,19	0,021	5,2	0,064	1,17	4,18	92,0	
Лёссимон ётқизиқлардан ташқил топган тоғ ости тўлқинсимон текислик	№ 3, қиялик 0-3 <sup>0</sup> , кўриқ оч тусли бўз	0-2	1,56	0,142	6,4	0,180	2,28	29,80	330,0
		2-13	0,73	0,067	6,3	0,153	1,80	14,10	173,0
		13-50	0,42	0,041	5,9	0,123	1,62	10,60	160,0
		50-96	0,35	0,036	5,6	0,112	1,63	7,67	122,0
		96-132	0,32	0,034	5,4	0,067	1,25	5,67	105,0
	132-209	0,20	0,020	5,8	0,021	1,16	3,15	67,0	
	№ 2, қиялик 0-3 <sup>0</sup> , ювилмаган, лалми оч тусли бўз	0-33	0,80	0,069	6,7	0,149	1,63	16,03	198,0
		33-53	0,53	0,050	6,1	0,123	1,42	12,00	150,0
		53-105	0,49	0,047	6,0	0,114	1,28	8,14	125,0
		105-165	0,45	0,044	5,9	0,083	1,19	6,19	98,0
165-210		0,22	0,024	5,3	0,058	1,13	3,93	70,0	

Гумус захираси кўриқ тупроқларнинг 20 см ли қатламида жигарранг тупроқларда 65,1; тўқ тусли бўзда 53,0; типик бўзда 36,2; ва оч тусли бўзда 15,5 т/га ни ташкил этса, лалмисида ювилиш даражаси ва жойлашиш экспозициясига боғлиқ ҳолда жигаррангда 31,9-57,6; тўқ тусли бўзда 26,5-55,6; типик бўзда 24,0-31,9; оч тусли бўзда 12,6-19,2; т/га оралиғда тебранади, 1 м қатлам қалинлигида жигаррангда 109,2-182,4; тўқ тусли бўзда 73,9-164,9; типик бўзда; 72,9-101,2; ва оч тусли бўзда 44,4-71,2; т/га ни бўлса, ҳаракатчан фосфор захираси 20 см жигаррангда 80,2; тўқ тусли бўзда 14,4; типик бўзда 49,6; ва оч тусли бўзда 31,8 кг/га ни, 1 м қатлам қалинлигида жигаррангда 290,6; тўқ тусли бўзда 260,6; типик бўзда 166,4; ва оч тусли бўзда 112,7 кг/га ни шунингдек ҳаракатчан калий захираси тупроқларнинг 20 см ли қатлам лалми жигаррангда 283,1-642,0; лалми тўқ тусли бўзда 408,9-1071,2; лалми типик бўзда 391,5-715,5 ва лалми оч тусли бўзда 406,3 кг/га ни, 1 м қатлам қалинлигида эса лалми жигаррангда 1456,1-2940,8; лалми тўқ тусли бўзда 1468,5-3992,0, лалми типик бўзда 1539,9-2779,4 ва лалми оч тусли бўзда 1252,9-1828,7 кг/га оралиғда тебранганлиги аниқланди. Гумус ва озика элементларининг тупроқ қатламларидаги захиралари лалми оч тусли бўз тупроқлардан жигаррангга томон ортиши кузатилди.

Ҳисор тоғ тизмалари тупроқлар кичик сингдириш сиғимига эга бўлиб, тузлардан кам ювилган, сингдириш комплекси асосан кальций, магний, кам миқдорда калий ва натрий катионлари билан тўйинган. Кўриқ тупроқнинг сингдирилган катионлар йиғиндиси 12,38-15,22 мг-экв бўлса, лалми тупроқларда 11,84-15,13 мг – экв ни ташкил этади.

Пастки қатламларга қараб Са ва К нинг камайиб, Mg ва Na миқдорининг ортиб бориши кузатилди (2-расм).



2-расм. Лалми тупроқдаги сингдирилган асослар таркиби

Ҳисор тоғ тизмаларида тарқалган тупроқларнинг барча морфогенетик кўрсаткичлари оч тусли бўздан жигарранг тупроқларига томон гумусли қатламни ортиши, тупроқлар рангини тўқлашиши, тупроқ структурасини яхшиланиши, гипс ва карбонатли қатламларни қуйироқда жойлашиши, механик таркибидаги физик лой, гумус ва озика элементлар ҳамда тупроқ сингдириш сиғими миқдори ортиши билан характерланади.

Диссертациянинг «**Лалми тупроқлар сифатини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида Ғузор, Деҳқонобод ва Шаҳрисабз туманларида тарқалган лалми оч тусли, типик ва тўқ тусли бўз ҳамда жигарранг тупроқларнинг хоссалари билан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ўртасидаги коррелятив боғланишлар ёритилган, унумдорлик даражаси баҳоланган. Бундан ташқари тадқиқот олиб борилган хўжаликларнинг тупроқ сифатини баҳолаш ва вилоятнинг тоғ-лалми тупроқ карталари тузилган ҳамда лалми тупроқ ресурслари ва улардан фойдаланиш истиқболлари келтирилган.

Тадқиқот ўтказилган лалми оч тусли бўз, типик бўз, тўқ тусли бўз ҳамда жигарранг тупроқлар гумус миқдори ва ғалла ҳосилдорлиги бўйича математик-статистик таҳлил қилинди. Олинган натижаларга кўра, яъни корреляция коэффиценти лалми жигаррангда 0,93 ни; тўқ тусли бўзда 0,93 ни; типик бўзда 0,90 ни ва оч тусли бўзда 0,88 ни ташкил қилади, демак тадқиқот олиб борган лалми тупроқлар шароитида гумус миқдори билан олинган ҳосил ўртасидаги алоқадорлик яхши, яъни гумус миқдори ортиши билан ғалла ҳосили ҳам ортиб бориши билан изоҳланади.

Лалмикор ҳудуд тупроқларининг унумдорлигини баҳолашда тупроқ, иқлим, она жинс, рельеф, экспозиция каби табиий шароитлар ҳисобга олинган. Ҳисор тоғ тизмаларининг тоғ олди ва тоғ ости текисликларидаги таянч хўжаликларда тарқалган лалми тупроқларнинг унумдорлиги баҳоланди.

“Ҳисор” хўжалиги тупроқларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, тупроқ сифатини баҳолаш картаси ва унинг экспликацияси тузилди, унда лалми жигарранг тупроқлари тўртта айирмага ажратилди: 1 - 213,0 гектарни ташкил этиб, ҳайдов қатламининг механик таркиби оғир қумоқли, кучсиз даражада ювилишга учраган, қиялик-3-5°, шимолий экспозицияда жойлашганлигини ҳисобга олиб 43 балл билан; 2-420,0 га, оғир қумоқли, ўртача ювилган, қиялик -5-7°, жанубий экспозицияси, 27 балл; 3-280,0 га, ўрта қумоқли, ўртача ювилган, қиялик-5-7°, шимолий экспозицияда, 41 балл; 4-94,0 га, енгил қумоқли, кучли ювилган, қиялик-7-10°, жанубий экспозицияда, 19 балл. Лалми жигарранг тупроқлари сифат жиҳатидан учта – ўртача, ўртачадан паст ва ёмон ерлар кадастр гуруҳларига бирлаштирилди ва ҳисобланган ўртача бонитет 34 баллни ташкил этди.

“Кўнғирот” хўжалиги лалми тўқ тусли бўз тупроқлари тўртта айирмага ажратилди: 1 - тупроқ айирмаси 376,0 гектар, ўрта қумоқли, ювилишга учрамаган, қиялик-1-3°, шимолий экспозицияда жойлашганлигини ҳисобга олиб 43 балл билан; 2 - 1382,0 га, ўрта қумоқли, кучсиз ювилган, қиялик

-3-5°, жанубий экспозицияда, 29 балл; 3 - 156,0 га, ўрта кумоқли, кучсиз ювилган, қиялик-3-5°, шимолий экспозицияда, 39 балл; 4 - 1120,0 га, ўрта кумоқли, ўртача ювилган, қиялик-5-7°, шимолий экспозицияда, 35 балл билан баҳоланди. Таянч хўжалик лалми тўқ тусли бўз тупроқлари сифат жиҳатидан иккита – ўртача ва ўртачадан паст ерлар кадастр гуруҳларига бирлаштирилди ва тупроқлар учун ҳисобланган ўртача бонитет 33 балл.

“Дехқонобод” хўжалиги учта тупроқ айирмага ажратилди: 1 - тупроқ айирмаси 735,0 гектар, ўрта кумоқли, кучсиз даражада ювилишга учраган, қиялик-3-5°, жанубий экспозицияда жойлашганлигини ҳисобга олиб 24 балл билан; 2 - 1649,0 га, ўрта кумоқли, кучсиз ювилган, қиялик -3-5°, шимолий экспозицияда, 32 балл; 3 - 432,0 га, ўрта кумоқли, ўртача ювилган, қиялик -5-7°, шимолий экспозицияда, 29 балл билан баҳоланди ва лалми типик бўз тупроқлари сифат жиҳатидан ўртачадан паст ерлар кадастр гуруҳига бирлаштирилиб ўртача бонитет 29 балл.


“Шўртан” хўжалиги учта тупроқ айирмага ажратилди: 1 - 294,0 гектар, ўрта кумоқли, ювилмаган, қиялик -0-3°, жанубий экспозицияда жойлашганлигини ҳисобга олиб 22 балл билан; 2 - 252,0 га, ўрта кумоқли, ювилмаган, қиялик-0-3°, шимолий экспозицияда, 27 балл; 3 - 1996,0 га, енгил кумоқли, кучсиз ювилган, қиялик-3-5°, шимолий экспозицияда, 22 балл билан баҳоланди ва лалми оч тусли бўз тупроқлари сифат жиҳатидан ўртачадан паст ерлар кадастр гуруҳига бирлаштирилиб ўртача бонитет 22 баллни ташкил этди.

Қашқадарё вилоятида тупроқлар генетик гуруҳларининг тақсимланишида жигарранг тупроқлар 407,3 минг, тўқ тусли бўз тупроқлар 251,1 минг, типик бўз тупроқлар 641,2 минг ва оч тусли бўз тупроқлар 450,4 минг гектарни ташкил этади, шундан лалмикор деҳқончиликда фойдаланилаётган ерларнинг майдони 258,5 минг гектарни эгаллайди ва бу майдонлар вилоятнинг 9 та туманида тарқалган. Ҳисор тоғ тизмасининг ғарбий қияликларидаги лалми деҳқончиликда фойдаланилаётган тупроқлар Деҳқонобод, Қамаш, Ғузор, Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманлари худудига тўғри келади.

Шаҳрисабз туманидаги мавжуд 7615 гектар лалми ҳайдалма ерларнинг 32 % жигарранг, 34 % тўқ тусли бўз ва 34 % типик бўздан, Деҳқонобод туманидаги мавжуд 47000 гектар ҳайдалма лалми ерларининг 28 % жигарранг, 59 % тўқ тусли бўз ва 13 % типик бўздан ҳамда Ғузор туманидаги мавжуд 27393 гектар лалми ҳайдалма ерларнинг 53 % типик бўз ва 47 % оч тусли бўз тупроқлардан иборат.

Лалми ерларнинг унумдорлиги жойларни экспозицияси ва қиялиги тиклиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, турли хил рельеф шароитида лалми ерларнинг ҳар-хил экспозициядан иборат майдонларига бир вақтнинг ўзида қуёш энергияси турлича тушади. Қуёш нурлари ер юзасининг жанубий ва шарқий қияликларига тикроқ тушиб, тупроқнинг иссиқлик режимига таъсир қилади. Шунинг учун ҳам шимолий ва ғарбий қияликларда баҳорнинг охиригидан давригача намлик кўп бўлиб, мўътадилроқ гидротермик режими яратилади ва

вегетация даврининг давомийлигини узайтиради. Тадқиқот ўтказилган лалми ҳайдалма ер майдонлар қиялик экспозициясига кўра, Деҳқонобод ва Ғузор туманларида асосан соя томони, Шаҳрисабз туманида эса қуёшли томони катта майдонларни эгаллайди (3-расм).



**3-расм. Ўрганилган туманлар ҳайдалма лалми тупроқлар қиялик экспозицияси бўйича тарқалиши, гектар ҳисобида**


